

---

## Тиббий кўрик ўтказилди

ЎзЛиДеП Тошлоқ туман Кенгаши томонидан “Соғлом оила – мустаҳкам оила” лойиҳаси доирасида 52-оилавий поликлиникасида Заркент маҳалласидаги хотин-қизлар учун “O‘zLiDePдан – бепул тиббий кўрик” лойиҳаси доирасида тиббий кўрик ташкил этилди.

Малакали шифокорлар томонидан 60 нафарга яқин хотин-қизлар бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

- Тиббий кўрик ўтказишдан мақсад она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакиллари бепул тиббий кўриқдан ўтказиш. Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдир, - дейди вилоят Кенгаши депутати Комила Кавлонова.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига малакали мутахассис шифокорлардан жавоблар олишди.

2021-07-01 18:03:24